
Тумандаги транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида

"Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сонли "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан, тумандаги автотототранспорт воситаларини 2019 йилда техник кўриқдан ўтказишни таъминлаш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сонли "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида"ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Кайд этилган қарор билан:

2018 йил 1 январдан бошлаб транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказишда жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолати тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар томонидан ҳам текширилиши мумкинлиги;

2021 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситалари тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар томонидан мажбурий техник кўриқдан ўтказилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. Автотототранспорт воситаларини йиллик мажбурий техник кўриқдан ўтказиш туман комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ, тумандаги жисмоний ва юридик шахсларга тегишли автотототранспорт воситаларини 2019 йилда техник кўриқдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туманда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга тегишли автотототранспорт воситалари, оғир ва хавфли юк ташувчи бир йилда икки марта техник кўриқдан ўтувчи автотранспорт воситаларини 2019 йилнинг 5 мартдан 30 июнгача, иккинчи марта 2019 йилнинг 1 сентябрдан 31 октябргача техник кўриқдан ўтказилсин.

5. Комиссия зиммасига:

техник кўриқдан ўтказиш давомида белгиланган жадвалга риоя қилиш, автомобилларни техник кўриқка тайёргарлигини, зарур жиҳозларни етказиб берилишини, автомобилларни техник паспортларини, таъмирга киргизиш руйхатларини, ишга чиқиш ва кайтишини қайд этиш китобларини юргизилганлигини, текшириш ва аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўриш вазифалари топширилсин.

6. Тумандаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларига:

тасдиқланган жадвалда кўрсатилган муддатда автотототранспорт воситаларини техник кўриқка тайёрлаш ва техник кўриқдан ўтказиш комиссиясига ўз вақтида тақдим этиш вазифаси топширилсин.

7. Тадбиркорлик субъектлари - юридик шахсларнинг жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш бўйича хизматлари учун тўловларнинг чекланган миқдорларини белгиланишида вилоят хокимлиги томонидан ўрнатилган тарифларига қатъий амал қилинсин.

8. Белгилансинки, мазкур қарор "Бешариқ тонги" рузномасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман хокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман хокими ўринбосари А.Абдурахмонов зиммасига юклатилсин.

Туман Ҳокими

Р.К.Жўраев.

2019-02-21 18:23:22